



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 5 май, № 89 (4752)

Сешанба

## КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКISTONГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тақлифига биноан Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак жорий йилнинг 10-12 май кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

## ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

Мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги ҳамкорлик кўп асрлардан буён давом этиб келмоқда ва вақт синовларидан ўтган. Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилгач, икки томонлама муносабатларда янги давр бошланди. Корея Республикаси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда эътироф этди. Дипломатик муносабатлар 1992 йилнинг 29 январда ўрнатилди.

Ўтган давр мобайнида сакизта олий даражадаги учрашув ўтказилди. Стратегик шериклик тўғрисидаги қўша декларация Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг март ойида қилган давлат ташрифининг муҳим натижаси бўлди. Ўзбекистон раҳбарининг Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг 2008 йил февраль ойида ўтказилган инаурация маросимидаги иштироки ҳамда 2008 йилнинг августда Пекинда ўтказилган XXIX ёзи Олимпиада ўйинлари доирасидаги учрашуви икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишонч муносабатларини янада чуқурлаштиришга хизмат қилди.

Мамлакатларимиз ўртасида парламентлараро алоқалар муваффақиятли ривожланмоқда. 1995 йилда Корея Республикаси Миллий Ассамблеясида парламентнинг «Корея-Ўзбекистон» дўстлик уюшмаси ташкил этилди. 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Корея билан ҳамкорлик гурҳи тасвис этилди.

1995 йилдан бошлаб ташкилий маҳкамалар ўртасида мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиб келинади. Уларнинг энг сўнгги еттинчи раунди 2008 йил сентябрда Тошкентда бўлиб ўтди. 2007 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб иқтисодий, маданий, таълим, туризм соҳаларидаги ҳамкорликни, ахборот технологиялари, қурилиш

ва транспорт соҳаларидаги тажриба алмашишни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш мақсадида ташкил этилган «Корея Республикаси — Марказий Осиё» йиллик форуми фаолият олиб бормоқда. 2008 йилнинг декабрь ойида Сеулда иккинчи бор ана шундай форум бўлиб ўтди. Муниципал даражада яқин алоқалар ўрнатилган бўлиб, улар доирасида Тошкент ва Сеул, Фарғона ва Ўш шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида келишувлар мавжуд. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Осиё ва Тинч Океани минтақасидаги илгор савдо-иқтисодий ва сиёсий ҳамкорларидан биридир. 1992 йилдаёқ Савдо битимига мувофиқ икки мамлакат ўртасида энг қулай режимнинг ўрнатилгани шундан далолатдир. 2008 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айланиши 123,7 фоизга ортиб, 1,056 миллиард долларни ташкил этди. Ўзбекистон экспортини пакта толаси, транспорт, саноат, коммуникация хизматлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ва жиҳозлар ташкил этади. Импортни эса, машина ва жиҳозлар, кимёвий маҳсулотлар ва пластмасса, қора металл, хизмат кўрсатиш, шу жумладан, транспорт, консалтинг ва коммуникация хизматлари, озиқ-овқат, нефть маҳсулотлари ва бошқалар ташкил этади.

### Биз ва жаҳон

(Давоми 2-бетда).

## Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонаси:

# МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ ОРТМОҚДА


Бу завод мамлакатимиздагина эмас, балки Марказий Осиё минтақасида ҳам етакчи саноат корхоналаридан ҳисобланади. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида тизимда амалга оширилаётган изчил ислохотлар туфайли унинг экспорт салоҳияти йил сайин ошиб, шуҳрати янада кенгроқ ёйилмоқда.

10 минг нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 6 миллион 450 минг тоннани ташкил этади. Корхона маҳсулотларига чет давлатларда ҳам талаб ортиб бораётгани, айниқса, қувонарлидир. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорағида 18,2 миллион АҚШ долларлиқ маҳсулот хорижий ҳамкорларга етказиб берилди.


Жамоа ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни кўпайтириш мақсадида тинмай изланмоқда. Бунинг натижасида бу йил мотор ҳамда сурков мойлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу, ўз навбатида, корхонанинг изчил ривожланиши таъминлайди, барқарорлигини мустаҳкамлайди.

СУРАТДА: оператор Фанижон Ғрашев.

Муқим ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.



## ОММАВИЙ СПОРТ эл соғлиғи ва турмуш фаровонлигининг муҳим омилдир



Маълумки, Қонуннинг ушбу моддасида корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг фуқароларнинг спорт билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериши белгиланган. Зеро, мамлакатимизда аҳоли ўртасида оммавий спортни ривожлантириш давлат сиёсатининг асосий йўналишидан бири ҳисобланади. Шу боис йилги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йилги мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 11-моддасининг корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда ўзини ўзи бошқариш органларидаги ижроси тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

ли клублар, секциялар, машқ заллари ташкил этилган. Айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом, бакуват ва кучли бўлишини таъминлаш борасида жойларда болалар спорт комплекслари, спорт майдончалари фаолият юритаётди. Бундан ташқари, маҳалларда оилавий спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида оилалар ўртасида «Биз —

мусобақаси, «Йилнинг энг ёш спортчиси», «Қамолот кубоғи» каби кўрик-танловларда кўплаб ёшлар спортга кенг жалб қилинмоқда. Булар, табиийки, ёш авлоднинг соғлом бўлиб-вояга етишига, оилаларда жисмоний тарбия маданиятининг мустаҳкамланишига хизмат қилаётди.

Шунингдек, йилги мажлисда айрим корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида Қонуннинг мазкур талабига жиддий риоя этилмаётганини, айниқса, мавжуд спорт мажмуаларидан самарали фойдаланилмаётганини танқид қилинди.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш юзасидан мутасадди ташкилотлар тавсиялар берилди ҳамда қўмитанинг назорат-таҳлил якуналари муҳокамаси юзасидан тегишли қарори қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА.

### Тадбир

Қарши муҳандислик-иқтисодий институти Президент Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарига ҳамда 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини ўрганишга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

## ПРЕЗИДЕНТ АСАРИНИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАНДИ

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга тобора ўз таъсирини ўтказмоқда. Бу эса ишлаб чиқариш суръатларининг пасайишига олиб келмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон ҳужалик ва молиявий-иқтисодий тизимига интеграциялашуви чуқурлашиб бораётганини ҳисобга олганда, бу жараён, аввало, унинг оқибатлари мамлакатимизга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Шу боис давлатимиз раҳбари ташаббус билан Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга изчил жорий этилаётди. Дастур асосида банк тизимини қўллаб-қувватлаш, корхоналарни модернизация қилиш, уларни техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш ишларини янада жаддалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган мамлакатимизни демократик янгилаш, барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва халқимиз турмуш фаровонлигини муттасил юксалтириб бориш йўлидаги ислохотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

## ОЗОДЛИГИМИЗ ВА ИФТИХОРИМИЗ РАМЗЛАРИ

5 май — «Ўзбекистон Қахрамони» унвони ва «Олтин юлдуз» медали, «Мустақиллик», «Дўстлик» орденлари ҳамда «Жасорат», «Шуҳрат» медаллари таъсис этилган кун.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мамлакатимизнинг куч-қудрати ва салоҳияти ҳар жиҳатдан тобора юксалмоқда. Бу Юртбошимиз юртайётган сиёсатнинг, халқимиз азму шижоатининг самараларидир.

Ватанимизни ҳар тарафлама янада ривожлантириш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳар бир юртдошимиздан юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаб ва меҳнат қилишни талаб этади. Бу борада бошқаларга ибрат бўлаётган, мамлакатимиз тараққиётига муносиб улуш қўшаётган юртдошларимизни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан бир қатор давлат мукофотлари жорий этилгани бу борада улкан тарихий воқеа бўлди. Ўзбекистон Республикаси парламентининг 1994 йил 5-май кунлари бўлиб

жат тантанали вазиятда топширилади. Ўзбекистон Республикаси парламентининг юқорида қайд этиб ўтилган сессияси қарорига биноан суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқларвар, демократик, ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун Президентимиз Ислам Каримовга «Ўзбекистон Қахрамони» унвони берилди. Ўтган йиллар давомида ўнлаб юртдошларимизнинг мажоруси олий мукофот билан тақдирлангани мамлакатимизда инсон меҳнатини муносиб рағбатлантиришга, кадр-қимматини юксалтиришга қаратилган улкан эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Мустақиллик. Бу сўз биз учун энг улуғ, энг азиз қаломлардан биридир. Гарчи,

озодликка эришиб, мустақил тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган бўлсак-да, ушбу сўзини, тушунгани аҳамияти ҳеч қачон камаймайди. Зеро, аждодларимиз Ватан нарсадан устун қўйган, бу буюк неъматни кўз қорачиқидек асраш, қўлдан бермаслик учун жон олиб жон берган. Ота-боболаримизнинг асрий оруз-умидлари — истиқлолимиз халқимизнинг улкан тарихий ютуғидир. Шу боис давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири «Мустақиллик» номи билан аталган катта рамзий маъно бор.

Мазкур орден билан мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ва уни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга улкан ҳисса қўшган ҳамюртларимиз мукофотланади. Истиқлол шарофати билан халқимиз эрки ва Ватанимиз озодлиги йўлида қурбон

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида 1-3 май кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида «Асрлар садоси» иккинчи анъанавий маданият фестивали ўтказилди.

## «АСРЛАР САДОСИ» АНЪАНАВИЙ МАДАНИЯТ ФЕСТИВАЛИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида миллий маданиятимиз, санъатимиз, умрбоқий анъана ва қадриятларимизни қайта тиклаш, асраб-авайлаш, янада ривожлантириш, халқимиз, айниқса, ёш авлод ўртасида тарғиб ва ташвиқ этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада эришилган ютуқларни кенг омма-лаштириш ва шу орқали ёшлар қалби ва онгига миллий истиқлол ғояларига садоқат, азалий қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ғояларини чуқур сингдиришда турли илмий анжуманлар, иждоий кўрик-танловлар, фестивалларнинг ўрни ва аҳамияти беқийсдир. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ўтказиб келинаётган қатор маърифий-маданий лойиҳалар, фестиваллар, санъат анжуманларидан қўзланган асосий мақсад ҳам халқимизни, хорижий меҳмонларни бой тарихимиз, миллий маданият ва санъатнинг юксак намуналаридан баҳраманд, янгиликлардан бохабар этишдан иборатдир.

(Давоми 3-бетда).

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).



ЖАҲОН

24 соат ичида

Ишсизлик кўпаймоқда

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози ривожланган давлатлар иқтисодиётига ҳамон сезиларли даражада таъсир кўрсатаётир.



"Блумберг" телеканали хабарларида айтилишича, экспорт борасида дунёдаги етакчи давлатлардан бири — Японияда март ойида ишсизлик даража-

си 4,8 фоизга ошган. Шу билан бирга, сўнгги 18 ой ичида илк марта дефляция (муомаладаги пул миқдорини камайтириш) қайд этилган.

"Кунчиқар юрт" да ўтган йилнинг сентябридан буён 5,5 миллион киши ўз иш жойидан айрилган. Япония банкининг расмий прогнозига кўра, шу йил охиригача мамлакатда ЯИМ ҳажми 3,1 фоизга тушиб кетиши мумкин.

Кемани

қўлга олишди

Сомали қароқчилари бу гал Покистонга қаршли савдо кемасини қўлга олишди, дейилади "Франс пресс" ахборотида.



"МВ Ал-Мисан" деб номланган мазкур кемада Бирлашган Араб Амирликларидан автомобиллар, шакар, кунгабоқар ёғи ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари олиб кетилаётган эди.

Айни пайтда босқинчилар билан кемани озод этиш бўйича тегишли музокаралар олиб борилаётти.

Гватемалада зилзила

Гватемалада Рихтер шкаласи бўйича 6,1 балли зилзила кузатилди.



Маҳаллий нашрларда ёзилишича, табиий офат маркази мамлакат пойтахтидан 86 километр узоқликда қайд этилган. Ер силкиниши оқибатида бир нечта хонадон вайронга айланган. Ҳозирча қурбонлар ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Йўлдаги фожиа

Ҳиндистонда йиррик йўл ҳаракати ҳодисаси содир бўлди.



Ахборот агентликлари тарқатган маълумотларга қараганда, бир гуруҳ йўловчиларни олиб кетаётган автобус Киштвар шаҳри яқинидаги Чиноб дарёсига қулаб тушган. Оқибатда 21 киши ҳаётдан кўз юмган, ўнга яқин йўловчи жароҳатланган.

Воқеа юзасидан текширув ишлари олиб борилмоқда.

Олдини олган

маъқул

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти "чўчка гриппи" деб ном олган янги вирус жаҳондаги 19 мамлакатга тарқалганини маълум қилди.



киши ушбу вирусни юктиргани айтилмоқда. Таиландда эса Мексикадан учиб келган 14 кишида "Н1Н1" вируси аломатлари аниқланган. Аргентина ҳукумати касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида Мексика пойтахти билан авиақатновларни вақтинча тўхтатишни лозим деб топди.

"Евроныйс" телеканали ахборотига кўра, касаллик белгилари Испанияда ҳам кузатилган. Бу ерда 44

Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали ана шундай лойиҳалар сирасидандир. Ушбу санъат байрамидан кўзланган асосий мақсад фольклор меросини сақлаш, халқ ижодиётини омалаштириш, бадиий халқ жамоалари ва усталарини қўллаб-қувватлаш, юртимизнинг бебаҳо маданиятини жаҳонга намойиш этишдан иборатдир. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган бу йилги тадбир ўзининг илмий-маърифий йўналиши билан алоҳида аҳамият касб этди. Фестиваль тадбирлари доирасида иштирокчилар Тошкент шаҳрининг тарихига оид маълумотлар, археолог олимларнинг янги илмий китоблари билан танишиш, улар иштирокидаги давра суҳбатлари, маҳорат сабоқлари, анжуманларда қатнашиш, пойтахтимиздаги археолог мажмуаларга саёҳат қилиш имконига эга бўлдилар. Жумладан, пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида

«АСРЛАР САДОСИ» АНЪАНАВИЙ МАДАНИЯТ ФЕСТИВАЛИ

«Миллий санъат инъомлари: тарихи ва замон» мавзuida кўргазмада ёшлар, чет эллик меҳмонлар қадимий маданиятимизга оид нодир осори-атиқалар билан танишиш, таниқли археолог Эдвард Ртвеладзенинг «Марказий Осиё тамаддуни, давлатлари ва маданияти» китобининг тақдиротида қатнашдилар.

— Ўзбекистонда бир марта бўлган киши бу заминга яна келишни орузси қилади, — дейди италиялик дизайнер Оскар Далан. — Негаки, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган бу диёрнинг тарихи, маданияти, санъати ўзига хос ва бетакрордир. Юртимизда ана шу меросни, қадимий ёдгорликларни ўрганиш, ундан навқирон авлодни бахраманд

этиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. «Асрлар садоси» фестивалида бу яна бир қарра намойён бўлди.

Тадбир доирасида Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги кўхна Қанқа мейморий-ёдгорлик шаҳарчасига ташкил этилган саёҳат жараёнида, тарихчи ва археолог олимлар иштирокида ўтказилган маҳорат сабоқларида қадимий маданият ва санъатнинг ривожланиш тамойиллари ҳусусида атрофлича маълумот берилди.

Фестивалнинг кейинги босқичи Бўстонлиқ туманининг Қоранкўл қишлоғида бўлиб ўтди. Яшил тепаликлар, кенгликлардан юртимизнинг барча худудларидан келган бахшилар, фольклор жамоаларнинг, бадиий ҳаваскорлик

ансамбллари, полвонлар, дорбозлар ва халқ цирки усталарининг чиқишлари, миллий либралар фестивали, ёш ижрочилар ва санъат усталари ижросида концерт дастурлари намойиш этилди. Халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси, миллий матолар ярмаркаси, ошпазлар беллашуви каби қизиқарли тадбирлар ташкил этилди.

— «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали муслик жамоаларда катта қизиқиш уйғотмоқда, — дейди Хоразм вилоятининг «Хива» фольклор жамоаси бадиий раҳбари Машариф Оллоберганов. — Фестиваль халқ ижодиёти, маънавий мероси миллиятимизнинг бебаҳо хазинаси эканини яна бир қарра намойён этди.

Биз фестиваль учун тайёрлаб келган «Хоразм навалари» номли муслик дастуримиз санъат илосмандларига манзур бўлганидан жуда мамнунийимиз.

Фестиваль якунига кўра, «Энг яхши фольклор жамоалари» номинациясида Қорақалпоғистоннинг «Офарин», Қашқадарё вилоятининг «Момгул», Сурхондарё вилоятининг «Булбулигуё», Сирдарё вилоятининг «Дехқон болалари», Хоразм вилоятининг «Хива», Самарқанд вилоятининг «Бешқарсақ», Тошкент вилоятининг «Шумтақа» ва «Чашма» фольклор жамоалари ғолиб бўлди. «Анъаналарни давом эттириш ва халқ амалий санъатини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» номинациясида марғилонлик атлас тўқувчи Фарида Бегалиева, тошкентлик миниатюрчи Баҳодир Ҳожиматов, хоразмлик кулол Одилбек Матчонов ғолиб деб топилди.

Назозат УСМОНОВА, Ўзда муҳбири.

ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТ — ЙЎЛОВЧИГА ҲУРМАТ

Бу пойтахтимиздаги 3-автобус саройи жамоаси фаолиятининг асосий мезонига айланган



Бугун Тошкент кўчаларини айлансангиз, бир-биридан қуркам, замон талабларига жавоб берадиган «Мерседес-Бенц», «Исузу» сингари автобуслар этиборингизни тортади.

Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига беминнат хизмат кўрсатаётган, уларнинг узогини яқин қилаётган бундай транспорт воситалари мамлакатимизда жамоат транспорти тизимини тубдан такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш сифати ва самардорлигини ошириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг амалдаги натижасидир.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги «3-автобус саройи» очик акционерлик жа-

мияти ҳам йўловчиларга ҳар жиҳатдан қулай ва сифатли транспорт хизмати кўрсатаётган жамоалардан саналади. Мамлакатимиз раҳбариятининг эътибори билан мазкур автокорхонада жамоат транспорти воситалари таркиби ҳам тўлалигича замонавийлари билан алмаштирилиб, хизмат кўрсатиш унумдорлиги оширилди. Натижада йўловчиларнинг уларга бўлган ишончи ҳам мустаҳкамлана

Ислохот

бўлади. Буни нималарда кўриш мумкин? Масалан, бундан беш-олти йил аввал автокорхона жамоаси ҳар ойда ўртача 4 млн. 500 минг йўловчига хизмат кўрсатган бўлса, бугун бу рақам 4 млн. 600 минг кишидан ошиб кетгани фикримизни яна бир қарра тасдиқлайди. Албатта, буларнинг барчаси йўловчилар учун зарур бўлган шароитларни яратиш билан бир қаторда, корхона иқтисодиётини мустаҳкамлаш имконини ҳам бермоқда. Жумладан, 2008 йил якунига бўйича қурилган даромад ҳажми 8 миллиард сўлдан ошди. Бу 2007 йилнинг шу даврига нисбатан таққослаганда 1 миллиард 629 миллион сўмга кўп дегандир.

— Топатган даромадимизнинг асосий қисми жамиятимиздаги мавжуд автотранспорт воситаларини янгилашга йўналтирилмоқда, — дейди биз билан суҳбатда «3-автобус са-

ройи» ОАЖ раиси Мирёқуб Тулаганов. — Хусусан, ўтган қоракда лизинг асосида 20 донга «Исузу» автобуси харид қилдик. Йил якунига қадар яна 20 та «Мерседес-конекто» русумли замонавий автобус келтирилиши кўзда тутилган.

Ишчи-хизматчиларимизни молдй ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар саломатлигини мустаҳкамлаш тадбирларига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Чунки жамоада қайфият юксак, муҳит соғлом бўлса, табиийки, аҳолига кўрсатиладиган хизмат самардорлиги ҳам ошади.

Дарҳақиқат, 637 кишилик меҳнат жамоасининг ҳар бири ўз ишига масъулият билан ёндашаётгани туфайли ҳам улар йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш борасида пешқадамликни кўлдан бермай келишляпти. Энг муҳими, аҳолининг доимий эътирофига сазовор бўлишмоқда.

Усмон УСМОНОВ.

ИҚБОЛИ ЮКСАК АВЛОД

Андижон вилоятидаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимига Асака педагогика коллежининг иш таърибаси алоҳида эътироф этилади. Зеро, ушбу ўқув юртида талабаларнинг пухта билим ва касб-ҳунар эгаллаши учун яратилган шарт-шароит ва қулайликлар ҳар қанча ҳавас қилишга арзунлиқдир.

Таълим

Коллежда душанба сиёсий кун, сешанба иқдоркор ёшлар кўни, чоршанба ҳуқуқий саводхонлик, пайшанба мутолаа, жума маънавият ва ниҳоят шанба тозалик ва саломатлик кўнлари деб белгиланган. Ўқувчиларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камолга етказишга хизмат қилувчи дарс ва дарсдан ташқари машғуллотлар ҳам ушбу кўнларга мувофиқ ташкил этилади.

Коллеж директори, педагогика фанлари номзоди, доцент Маҳмуджон Камолдидинов ҳаммуаллифлигидаги «Бошлангич синф ўқитувчилари ва амалиётчилари учун математикадан дарс ишланмалари», «Инновацион педагогик технологиялар асосларидан 101 саволга 101 жавоб», «Математикадан дарс

ишланмалари ва синфдан ташқари ишлар учун материаллар» сингари қатор ўқув-услубий қўлланмаларидан айни кунда мамлакатимиздаги педагогика коллежларида кенг фойдаланилмоқда.

Ўқув масканида 17 та фан ва 4 та иқдодий тўғарак, клуб, ахборот-ресурс маркази фаолияти йўлга қўйилган. Яқинда улар қаторига «Камолот» ёшлар иқтисодий ҳаракати ҳоимлигида ташкил этилган «Ёшлар овози» радиомаркази ҳам қўшилди. Шунингдек, коллежда лингафон хонаси, компьютер синфи, физика, кимё лабораториялари ҳамда тикувчилик устaxonалари ёшлар иқтиёрида. Тўрт юз ўринчи талабалар турар-жой биноси замонавий жиҳозлар билан таъминланган.


ООО "CHIRCHIK TEPLO SYSTEMS" ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ ЧИС ҚОЗОНЛАРИ ИСИТИШ ҚОЗОНХОНАЛАРИ Табиий газ, суюқ ва қаттиқ ёқилги билан ишлайди

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 233-10-60 236-09-25 232-10-63 242-хона

Завод ТЕМЗ изготавливаєт и реализует: КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А. Теперь и в ЛИЗИНГ! АВТОКРАНЫ: КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ, КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ, КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ

«АГРЕГАТ ЗАВОДИ» ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ. қўйдаги қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлаб чиқаради ва сотади. пахта (ОВХ-600) ва боғлар (ОВП-1500) учун вентиляторли пуркагичлар; турли модификацияли универсал (пневматик) ва чигит экиш сеялкалари; гербицидларни сочиш мосламалари (чигит экиш сеялкалари билан бирга ишлайди); «КИР-1,5» русумли роторли ўроқ машинаси (косилка); «РМУ-0,5» русумли минерал ўғитларни сочиш мосламаси.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport



Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил қилади. Уларнинг ҳар томонлама камол топишлари учун қулай шарт-шароит яратиш давлат сийёсати даражасига кўтарилган. Хусусан, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Сурхондарё вилояти филиали томонидан бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2003-2008 йиллар давомида вилоят бўйича 9 та спорт мажмуаси, 45 та мактаб спорт зали ва 13 та спорт иншооти қайта реконструкция қилинди, 67 та спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди, уларга жами 944,1 млн. сўмлик спорт жиҳозлари келтирилди.

## ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ — ВАТАН ИҚБОЛИ

Ўтган йили Президентимизнинг 2007 йил 12 декабрдаги «2008 йилги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг бюджетини ва болалар спорт объектилари қурилишининг аниқ манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига асосан, Жарқўрғон туманидаги 3-умумтаълим мактаби қошида йирик болалар спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, «Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури»га асосан, 8 та умумтаълим мактабининг ҳар бирида зонавий типдаги спорт заллари қуриб битказилди. Бунинг учун республика жамғармасидан 780 млн. сўм, жамғарманинг вилоят филиалидан 498 млн. сўмлик маблағ ажратилди.

Ўртабшомизнинг 2009 йил 20 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги ҳузурдаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ҳамда 2009 йилда болалар спорт объектилари, сузиш ҳавзалари ва мусика ҳамда санъат мактабларини қуриш ва капитал реконструкция қилишнинг манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига асосан, Термиз шаҳридаги болалар сузиш ҳавзасида умумий қиймати 250 млн. сўмни ташкил этувчи таъмирлаш ишларини бошлаш кўзда тутилган. Жамғарманинг бошқа йўналишдаги ишлари ҳам диққатга сазовор. Хусусан, жамғарма ташаббуси ва молиявий кўмаги билан ташкил этилаётган кўплаб спорт мусобақалари, спартакиада ва шоу-дастурлар уюштирилмоқда. Жумладан, жойларда ўтказилаётган «Умид ниҳоллари», «Баҳор малакалари», «Дадам, аям ва мен — спортчилар оиласи», «Соғ танда — соғлом ақл», «Кучилар ва чаққонлар» каби беллашувларнинг, спортчи ёшларни кўлаб-қувватлаш мақсадида алоҳида спорт турлари бўйича ташкил этилаётган биринчиликларнинг, туман, вилоят миқёсидаги спорт мусобақалари ва байрамларнинг оммавийлиги йил сайин ошмоқда.

Ўтган йили ташкил этилган 60 дан зиёд бундай спорт тадбирлари 13 мингга яқин ўғил-қиз иштирок этиб, уларнинг деярли 10 минг нафарини кишлоқ жойларда ис-тикомат қилаётган ёшлар ташкил этди. Шунинг билан бирлик-камчилик ҳимояга муҳтож болаларнинг жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш борасида ҳам гамхўрлик қилмоқда. Масалан, вилоятда жисмоний ва ақлий имкониятлари чекланган болакайлар ўртасида спортнинг футбол, волейбол ва бошқа турлари бўйича мусобақалар ўтказиш аъёнанага беллашувлар ўтказилиб, уларнинг ҳар бирига спорт либослари, шахмат, шашка, тўп сингари спорт анжомлари тўхфа этилаётгани ҳам жамғарманинг хайрли тадбирларидандир. Биргина ўтган йилнинг ўзида республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан кам таъминланган оилалар учун салкам 132 миллион сўмлик спорт либослари тақдим қилинди. Жамғарма Кишлоқ тарихи ва фаровонлиги йилида бундай савоб ишларнинг кўламини янада кенгайтириб, кишлоқдаги жамоатчилик эътиборига ташна ўғил-қизларни ҳар томонлама кўлаб-қувватлашнинг мақсад қилмоқда.

Албатта, ёшларнинг таълим-тарбиясини такомиллаштиришга Президентимиз томонидан кўрсатилган гамхўрлик бу каби ишларни изчил амалга оширишда бош омили бўлади.

Гулбаҳор ТАНГИРОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

## ТЕРМА ЖАМОАМИЗ КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Футбол бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси 2010 йилги Осиё чемпионатида дастлабки саралаш босқичини муваффақиятли якунлади.

Вакилларимиз гуруҳдаги Мальдив ороллари (5:0), Фаластин (5:0), Қирғизистон (2:0) терма жамоаларини мағлубиятга учратди. Иордания терма жамоасига қарши кечган баҳсда дуранг натижа (2:2) қайд этилди. Гуруҳда Иордания ва Ўзбекистон терма жамоалари бир хил — 10 тадан очко жамғаришга муваффақ бўлишди. Қиритилган тўплар нисбати бўйича биринчи ўрин Иордания терма жамоасига насиб этди. Кунни кеча иккинчи саралаш босқич учрашувларига

кўра ташланди. Унга кўра, Ўзбекистон терма жамоаси «В» гуруҳида Таиланд (мезбон) ва Эрон футболчилари билан финал босқичига чиқиш учун кураш олиб боради. Қолган гуруҳлар қуйидагича кўриниш олган: «А» гуруҳи — Хитой Тайпейи, Мьянма, Иордания, «С» гуруҳи — Вьетнам, Гонконг, Қирғизистон. Ўслатиб ўтамиз, 2008 йил якунлари бўйича, Осиёнинг 5 та энг кучли терма жамоаси — КХДР, Хитой, Япония, Австралия ва Жанубий Корея қитъа биринчилигида тўғридан-тўғри қатнашиш ҳуқуқига эга.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.

## «Бунёдкор» қитъада иккинчи

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) дунё клубларининг май ойидаги рейтингини эълон қилди.

Унга дунёнинг энг кучли 350 та футбол жамоаси киритилган. Улар орасида Ўзбекистон чемпиони «Бунёдкор» 66-поғонада қайд этилган. «Бунёдкор» Япониянинг «Гамба Осака» клубидан сўнг, ҳамон қитъанинг иккинчи рақамли жамоаси бўлиб турибди. Янги рейтинг ўзбекистонлик футбол ишқибозларига қувонч улашди, десак муболага

бўлмайди. Илгарилари IFFHS рўйхатидан «Бунёдкор» ва «Пахтакор» жамоалари мунтазам жой олиб келишган бўлса, ушбу ойдан бошлаб Фарғонанинг «Нефтчи» клуби ҳам кучли 350 таликка киритилди. Рўйхатда «Пахтакор» 120, Юрий Саркисан бошчилигидаги «Нефтчи» аъзолари эса 313-ўринни банд этишган.

## ПЕШҚАДАМЛАР ҒАЛАБАСИ

Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати олий лигасида сақизинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «Бунёдкор» сафарда «Шўртан» жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. «Пахтакор» эса ўз майдонида «Динамо» жамоаси устидан 4:0 ҳисобида зафар қўчди. Ушбу турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Олмалик» — «Машъал» 2:0, «Андижон» — «Кизилкўм» 2:1, «Навбахор» — «Металлург» 3:0, «Насаф» — «Сўғдиёна» 3:0, «Бухоро» — «Нефтчи» 1:2, «Локомотив» — «Хоразм» 2:0.

Сақизинчи турдан кейинги вазият:

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Бунёдкор»	8	8	0	0	19-2	24
«Пахтакор»	8	6	2	0	15-2	20
«Насаф»	8	6	1	1	17-8	19
«Олмалик»	8	5	1	2	10-8	16
«Локомотив»	8	4	2	2	8-7	14
«Навбахор»	8	3	3	2	9-5	12
«Хоразм»	8	3	2	3	9-10	11
«Андижон»	8	2	4	2	12-13	10
«Нефтчи»	8	3	1	4	9-11	10
«Сўғдиёна»	8	3	1	4	14-17	10
«Шўртан»	8	2	1	5	9-14	7
«Кизилкўм»	8	2	1	5	8-15	7
«Бухоро»	8	1	2	5	8-13	5
«Металлург»	8	1	2	5	7-13	5
«Динамо»	8	1	2	5	4-12	5
«Машъал»	8	1	1	6	4-12	4

Мамлакатимизда биронта ҳам янги АН11 гриппи билан касалланиш ҳолати қайд этилгани йўқ. Бироқ, сайёрамизнинг турли жойларида мазкур касаллик тобора тарқалиб бормоқда. Шу сабабли ушбу янги юқумли касалликнинг олдини олиш учун, аввало, унинг сабаблари, пайдо

бўлиш хусусиятларини билиш зарур. ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Вирусология илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори Хайрулла МУСТАФОВЕДАН бу ҳақда сўзлаб беришни илтимос қилди.

## ПРОФИЛАКТИКА — САЛОМАТЛИК АСОСИ

— Ҳар йили бутун дунёда сайёрамиз аҳолисининг 20 фоизи грипп билан касалланади, — дейди Х. Мустафоев. — Гриппнинг янги тури дастлаб Мексикада, кейинчалик эса АҚШнинг жанубий штатлари — Техас ва Калифорнияда, Нью-Йоркдаги мактаб ўқувчилари орасида қайд этилди. Испания, Швеция, Франция, Буюк Британия, Исроил, Янги Зеландия, Бразилия каби бошқа давлатларда ҳам инфекцияга чалиниш ҳоллари аниқланди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, 898 нафар киши АН11 туридаги гриппга чалинган ва уларнинг 20 нафари вафот этган. Ҳамма ҳолатларда ушбу вирус одамдан одамга ўтгани аниқланди ва шу сабабли касаллик янада кенг тарқалиши мумкин, деган хулосага келинди.

### Долзарб мавзу

Шунинг билан бирлик, янги вирус одамдан одамга ҳаво-томчи ва маийши-алоқа йўли орқали юқибди. Юқори ҳароратда ўзининг касаллик тарқатиш хусусиятини йўқотади. АН11 гриппининг инкубацион даври оддий гриппдан фарқ қилмайди, яъни, у бир неча соатдан 2-3 кунгача довам этиши мумкин. Касаллик одамнинг респиратор ҳасталиги сингари бошланади. Унинг аломатлари ўхшаш бўлиб, тумов, бош оғриги, ангина, йўтал, тана ҳароратининг кўтарилиши, мушакларда оғрик, баъзан эса қайт қилиш ҳолатлари

кузатилади. Лекин оддий грипп касаллигига қараганда ушбу янги инфекция асоратлари бир мунча оғир кечади. Бунда ўпканинг кучли шомоллаши туфайли касаллик ўлим билан якунланиши мумкин.

Ўзбекистонда доимий асосда эпидемияга қарши комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундан натижасида тур-

мола, аспиридин каби ҳароратни туширувчи препаратларни қўллаш мумкин. Аммо, 18 ёшга тулмаганларга таркибда аспиридин бўлган дориларни бериш мумкин эмас.

Болалар боғчалари, мактаблар, кинотеатр, жамоат транспорт ва бошқа одамлар гавжум бўладиган жойларда доки ниқоблардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, касалларга қаршида ҳам ниқоб тақиш, хонани тез-тез шамоллатиш, дезинфекция воситалари билан уни тозалаш зарур.

Шунинг билан бир таъкидламоқчиманки, АН11 гриппи нафақат Ўзбекистонда, балки минтақамизда ҳам қайд этилгани йўқ. Шундай бўлса-да, ушбу касаллик ҳақида маълумотга эга бўлиш, барча профилактика чораларига қатъий амал қилиш, респиратор инфекцияси аломатлари аниқланганда эса ўзини ўзи доволаш билан шуғулланмасдан, зудлик билан шифокорга мурожаат этиш даркор. Замонавий тиббиёт касалликни самарали доволаш бўйича кўплаб воситаларга, вирусология лабораториялари мутахассислари эса инфекцияни қўзғатувчи манбани тез аниқлаш имконини берадиган ташхис қўйиш препаратларига эга.

ЎзА мухбири А. ИВАНОВА ёзиб олди.

## САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ИФОДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг дипломатик ваколатхоналарида хизмат кўрсатиш бошқармаси томонидан мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари ўртасида турли тадбирларни ўтказиш яхши аъёнанага айланган. Вазирлиқнинг Қабуллар уйда ташкил этилган маданий аъёналар ва миллий таомлар фестивали ҳам шулар жумласидандир.

### Тадбир

Эттинчи бор уюштирилган мазкур тадбирда Туркманистон, Хиндистон, Бангладеш, Миср, Корея Республикаси, Россия, Қозғоғистон, Қирғизистон, Афғонистон, Покистон, Япония, Украина, Польша, Чехия, Италия, Туркия, Белгия, Вьетнам каби йигирмадан зиёд давлатнинг элчихона ва миллий маданият марказлари вакиллари иштирок этишди. Фестивалнинг очилиш маросимида сўз олган Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигини биринчи ўринбосари Х. Кароматов мамлакатимизда Юртбошимиз бошчилигида халқаро ўртасидаги маданий алоқаларни, ўзаро дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Дарҳақиқат, юртимизда ҳар бир миллат вакилларига чукўр ҳурмат қўрсатилади, уларнинг урф-одатлари, миллий аъёналари юксак қадрланади. Маданий аъёналар ва миллий таомлар фестивали бунинг яна бир ёрқин далилидир. — Халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашда ушбу фестивалнинг алоҳида ўрни бор, — дейди Туркман миллий маданият маркази раҳбари Уразмурад Курбанов. — Бу ерда ҳар бир миллат вакилларига ўз урф-одатлари, қадрияти ва аъёналари, миллий либос ҳамда таомларини намойиш этишлари учун кенг имкониятлар яратиб берилган. Биз тадбирга ташириф буюрганларга туркман халқининг «доғрама», «қовурдоқ», «казанлама», «тандирлама» сингари ўнда ортик севимли таомларини тортиқ қилдик. Бошқа давлатларнинг қадриятлари билан ҳам яқиндан танишдик. — Ўзбек халқининг миллатлараро муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларига, шунингдек, меҳмондўстлигига ҳамма ҳурмат билан қараймиш, — дейди Хинд миллий маданият маркази ходими Ранжана Саркар. — Бунинг билан бир таъкидламоқчиманки, «доғрама» учун алоҳида тайёргарлик кўрилганидан ҳам билиш мумкин. Тадбир давомида барча иштирокчи давлат вакиллари билан дилдан суҳбатлашдик, таомларидан таътиб кўрдик. Умуман, фестивал менда катта таассурот қолдирди.

Шавакрат ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ЎЗА ХАБАРИ

2 май кунги Қашқадарё вилоятининг «Ғузур-Чим-Кўкдала» трассасининг 42-километрида йўловчи автобус йўл четидан турган экскаватор билан тўқнашиб кетган. Автоҳалокат натижасида 23 йўловчи ҳалок бўлган, 4 киши турли даражада тан жароҳати олган. Йўл-транспорт ҳодисаси сабабларини аниқлаш учун махсус ҳукумат комиссияси ташкил этилди. Жабрланганлар ва ҳалок бўлганларнинг қариндошларига тиббий, моддий ва бошқа зарур ёрдамлар кўрсатилмоқда. Мазкур факт бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тезкор-тергов гуруҳи тузилди. Йўл-транспорт ҳодисаси сабабларини аниқлаш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш бўйича тегишли тадбирлар ўтказилмоқда. Ҳукумат комиссияси ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур тазвия изҳор этди.

## ОБ-ҲАВО

(5 май)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 9-14 даража илиқ, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятлари. Айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Кечаси 11-16, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, баъзи ҳудудларда ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 11-16, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади. Тошкент вилояти. Айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши эҳтимоли бор. Кечаси 11-16, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда ёмғир ёғиши мумкин. Кечаси 13-18, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади. Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Қисқа муддатли ёмғир ёғиши кутилмоқда. Тунда 11-16, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади. Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 11-13, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади. «Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 апрелда қабул қилинган «Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш бўйича илгари берилган лицензиялар 2009 йил 1 июлгача бўлган муддатда қайта рўйхатдан ўтказилиши кераклиги белгиланган.

Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 сентябрдаги 410-сонли қарорининг I-иловасида келтирилган Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низоом асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини бўйича 2009 йил 30 апрелгача берилган лицензиялар ўрнатилган тартибда 2009 йил 1 июл кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасида қайта рўйхатдан ўтказилиши, шунингдек, қўрсатилган муддатда қайта рўйхатдан ўтмаган ҳужжали юритувчи субъектларнинг лицензиялари қонунчиликда белгиланган тартибда бекор қилиниши маълум қилинади.

Маълумот учун телефонлар: (+99871) 244-04-07, 244-06-27. <http://www.gkas.uz/docs/zakon.htm>

## «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ

1992-2008 йилларда чиқарилган Ўзбекистоннинг мавзули ва йиллик почта маркалари, блок ва чикик варақларини, кляссер ва буклетларга жойлаштирилган марка тўпламларини тақдим этади.

ТЕЛ. 233-70-33. САЙТ: WWW.POSTA.UZ  
ФАКС 236-36-48. E-MAIL: OAO@POST.UZ

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунийлик вазирлиги Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюрогма Г — 456. 46571 нухсада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоэ келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎзА ақсини — 22.30. Тошририлди — 23.15

МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орипов.  
Навбатчи муҳаррир — А. Кўтбидинов.  
Навбатчи — М. Охунова.  
Мусахҳих — Ш. Машраббоев.